

«Ёшлар ойлиги» доирасида маданий тадбир ўтказилди

// 04.07.2024

<https://uzkimyosanoat.uz/uz/press/news/yoshlar-oyligi-doirasida-madaniy-tadbir-utkazildi>



Бугун «Деҳқонобод калий заводи» АЖда «30 июнь Ёшлар куни» муносабати билан корхона ёшлари учун маданий тадбир ташкил этилди.

Тадбир аввалида Жамият бошқарув раиси в.б Тўлқин Зарипов сўзга чиқиб барча ёшларни сана муносабати билан самимий қутлади.

Ундан сўнг «Ёшлар ойлиги» доирасида Жамиятда ўтказилган бир қатор спорт тадбирлари ёлиблари ҳамда корхона фаолиятида фаол бўлган бир гуруҳ ёшлар диплом, фахрий ёрлиқ ва эсдалик совғалари билан тақдирланди.

Тадбир давомида хонандалар ижросида кўнгилочар концерт дастури намойиш этилди.



dehkanabadpotashplant



uz-potash.uz



(+99875) 612-50-05



«Деҳқонобод калий заводи» АЖ Матбуот хизмати